

---

## МАДАНИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Маънавият ва маърифат маркази Риштон туман бўлинмаси, ХТБ ҳамкорлигида 2021 йил 18 май куни тумандаги Халқ таълими бўлимига қарашли 1-ИДУМ ва 3- умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Чоршамъ Рузиев, Халқаро журналист Ҳакимжон Уроқов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, 1-ИДУМ ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Фулом Фатхиддин, Республика ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, rassom, шоир, ҳофиз - Усмон Тошпўлатов, Республика Бастакорлар уюшмаси аъзоси, 24-муסיқа ва санъат мактаби директори, шоир, бастакор - Маъруф Юнус, шоир, 36- умумий ўрта таълим мактаб ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Асадулло Солиҳ, Риштон туман фахрий нуронийси, бедилшунос олим, 57- умумий ўрта таълим мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Юлдошали Додобоев, Республика ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, шифокор 63- умумий ўрта таълим мактаб ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Усмон Тошпўлатовлар иштирокида маънавий-маърифий бадиий-ижодий тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирларда 200 дан зиёд ўқувчилар ва 25 нафар ўқитувчилар ҳамда тарғиботчилар жамоаси иштирок этдилар. Ўтказилган тадбирларда тарғиботчилар ўзларининг шеърларини айтиб, Усмон Тошпўлатов ва Маъруф Юнус томонидан жонли ижрода Чоршамъ Рузиевни шеърларига куй басталаб ижро этиб беришди. Давра жуда қизғин тарзда ўтди, ўқувчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоблар олишди ва барча ўқувчиларда унутилмас хотира сифатида муҳрланиб қолди, деб эътироф этиш мумкин.

2021-05-18 18:35:33